

**"Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" акциядорлик жамияти томонидан
кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларига тақдим этиладиган молиявий қўллаб-
куватлаш инструментлари ва шартлари**

I. Молиявий қўллаб-куватлаш инструментлари

| T/р | Кўллаб-куватлаш тури | Иштирокчилар | Фойдаланиш муддатлари | Алоҳида шартлар |
|----------------------------------|--|---|--|--|
| 1. Устав капиталга улуш киритиши | | | | |
| 1. | Лойиҳа қийматининг 15 фоизи, бироқ устав капиталининг 20 фоизи ёки 3 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда кўчмас мулк обьектлари, асбоб-ускуналар ва бошқа активлар кўринишида улуш киритиши. | Куйидаги шартларга жавоб берадиган хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва етишириш бўйича лойиҳаларни амалга оширувчи ўрта тадбиркорлик субъектлари: а) 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган; б) камида 50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган. | Киритилган улуш етти йил давомида бозор қийматида реализация қилинади. | Кўллаб-куватлаш тақдим этиладиган лойиҳа очик танлов ўтказиш орқали танлаб олинади. Компания улуш киритилган лойиҳалар бўйича мунтазам равища мониторинг олиб боради ва консультатив ёрдам кўрсатади, шунингдек, ушбу лойиҳалар ҳақида ҳар ой ўзининг расмий веб-сайтида маълумот жойлаштириб боради. Мазкур қўллаб-куватлаш туридан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектига хизматлар ипотекаси ҳамда кафиллик ёрдами тақдим этилмайди. Лойиҳалар йўналишлари Компания Кузатув кенгashi қарори билан белгиланади. |

2. Хизматлар ипотекаси

| | | | | |
|----|---|---|--|---|
| 2. | <p>Кўчмас мулк ва асбоб-ускуналарнинг 70 фоизи, бироқ 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда мулк сотиб олиш ва қуидаги шартларнинг бири асосида ташаббускорга бериш:</p> <p>а) қарздорлик қолдигига Марказий банкнинг асосий ставкасидан 4 фоизлик пункт юқори ставкада йиллик фоиз хисоблаш;</p> <p>б) бўлиб-бўлиб тўлаш.</p> | <p>Куидаги шартларга жавоб берадиган хизмат кўрсатиш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва етишириш бўйича лойиҳаларни амалга оширувчи ўтра тадбиркорлик субъектлари:</p> <p>а) 24 ойдан ортиқ фаолият кўрсатаётган;</p> <p>б) камида 50 нафар кишини доимий иш билан таъминлаган.</p> | <p>Етти йил муддатгача тақдим этилади.</p> | <p>Кўллаб-куватлаш тақдим этиладиган лойиҳа очиқ танлов ўтказиш орқали танлаб олинади.</p> <p>Мазкур қўллаб-куватлаш туридан фойдаланаётган тадбиркорлик субъектига "улуш кириши" ёрдами тақдим этилмайди.</p> <p>Ёрдам кўрсатиладиган лойиҳалар йўналишлари Компания Кузатув кенгаши қарори билан белгиланади.</p> |
|----|---|---|--|---|

3. Компания ресурслари ҳисобидан кредит (лизинг) ажратиши

| | | | | |
|----|--|---------------------------------|--|--|
| 3. | 1,5 миллиард сўмгacha бўлган миқдорда миллий ва хорижий валютада Компания ставкаси ҳамда тижорат банкининг маржаси қўшилган ставкада кредит (лизинг) ажратиши. | Кичик тадбиркорлик субъектлари. | Тижорат банклари томонидан кредит (лизинг) етти йил муддатгача ажратилади. | Компания томонидан: |
| 4. | 5 миллиард сўмгacha бўлган миқдорда миллий ва хорижий валютада Компания ставкаси ҳамда тижорат банкининг маржаси қўшилган ставкада кредит (лизинг) ажратиши. | Ўтра тадбиркорлик субъектлари. | | миллий валютада ажратиладиган кредит (лизинг)лар бўйича ресурс Марказий банкнинг асосий ставкасидан паст бўлмаган ставкада; |
| 5. | 500 миллион сўмгacha миллий ва хорижий валютада Компания ставкаси ҳамда лизинг компанияларининг маржаси қўшилган | Кичик тадбиркорлик субъектлари. | Лизинг компаниялари томонидан лизинг беш йил | хорижий валютада ажратиладиган кредит (лизинг)лар бўйича ресурс Кузатув кенгаши томонидан белгиланган ставкада жойлаштирилади. |

Компания Кузатув кенгаши томонидан ташаббускорнинг кўрсаткичлари

| | | | | |
|-------------------------|---|---|--|---|
| | ставкада лизинг ажратиш. | | муддатгача ажратилади. | ҳамда лойиха йўналишларидан келиб чиқиб ажратиладиган ресурс микдори ва шартлари белгиланади. |
| 6. | 1 миллиард сўмгача миллий ва хорижий валютада Компания ставкаси ҳамда лизинг компанияларининг маржаси қўшилган ставкада лизинг ажратиш. | Ўрта тадбиркорлик субъектлари. | | Компания томонидан лизинг компаниялари ва микромолия |
| 7. | 300 миллион сўмгача миллий ва хорижий валютада Компания ставкаси ҳамда микромолия ташкилотларининг маржаси қўшилган ставкада кредит (лизинг) ажратиш. | Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар. | Микромолия ташкилотлари томонидан кредит (лизинг) уч йил муддатгача ажратилади. | ташкилотларига жойлаштирилган ресурс ҳисобига ажратиладиган кредит (лизинг)лар учун Компаниянинг бошқа молиявий ёрдами кўрсатилмайди. |
| 4. Кафиллик тақдим этиш | | | | |
| 8. | 2,5 миллиард сўмдан ошмаган микдорда, бироқ кредитнинг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам киради) кафиллик тақдим этиш. | Кичик тадбиркорлик субъектлари. | Тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит, лизинг, банк кафолати ва аккредитивлар муддатига мос даврга. | Компания Кузатув кенгаши томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолият давридан келиб чиқиб кафиллик ёрдами микдори белгиланади. |
| 9. | 5 миллиард сўмдан ошмаган микдорда, бироқ кредитнинг 50 фоизигача (50 фоизи ҳам киради) кафиллик тақдим этиш. | Ўрта тадбиркорлик субъектлари. "20 минг тадбиркор - 500 минг малакали мутахассис" дастури иштирокчиси бўлган тадбиркорлик субъектлари. | Тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит муддатига мос даврга. | Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 12 июндаги ПФ-93-сон Фармонига мувофиқ микдорларда тақдим этилади. |
| 10. | 800 миллион сўмдан ошмаган микдорда, бироқ лизингнинг 30 фоизигача (30 фоизи ҳам киради) кафиллик тақдим этиш. | Кичик тадбиркорлик субъектлари. | Лизинг компаниялари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган лизинглар | Компания Кузатув кенгаши томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолият давридан келиб чиқиб кафиллик ёрдами |

| | | | | |
|-----|---|---|--|---|
| 11. | 1,5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда, бироқ лизингнинг 30 фоизигача (30 фоизи ҳам киради) кафиллик тақдим этиш. | Ўрта тадбиркорлик субъектлари. | муддатига мос даврга. | миқдори белгиланади. |
| 12. | 100 миллион сўмдан ошмаган миқдорда, бироқ кредитнинг 30 фоизигача (30 фоизи ҳам киради) кафиллик тақдим этиш. | Кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда ўзини ўзи банд қилган шахслар. | Микромолия ташкилотлари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредитлар муддатига мос даврга. | |
| 13. | 5 миллиард сўмдан ошмаган миқдорда, бироқ кредитнинг 75 фоизигача (75 фоизи ҳам киради) кафиллик тақдим этиш. | Қорақалпоғистон Республикасида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари. | Тижорат банклари томонидан миллий ва хорижий валютада ажратиладиган кредит муддатига мос даврга. | Компания Кузатув кенгаши томонидан тадбиркорлик субъектларининг фаолият давридан келиб чиқиб кафиллик ёрдами миқдори белгиланади ва кафиллик 2025 йил 1 январга қадар тақдим этилади. |

5. Тижорат банклари кредит (лизинг)лари бўйича компенсация тақдим этиш

| | | | | |
|-----|---|---|--|---|
| 14. | 3 миллиард сўмгacha ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш. | Фаолият даври уч йилгача бўлган кичик тадбиркорлик субъектлари. | 3 йилдан ортиқ бўлмаган муддатга компенсация "1+2" тамойили асосида аввал кредит (лизинг)нинг дастлабки иилига тақдим этилади, кейинги икки йил давомида қуидагиларга асосан давом эттирилади: | Компенсация йиллик Марказий банк асосий ставкасининг 4 фоизлик пунктидан юкори ва асосий ставканинг 1,75 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютадаги кредитларга тақдим этилади. |
| 15. | 5 миллиард сўмгacha ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш. | Ташкил этилган давридан қатъи назар кичик тадбиркорлик субъектлари. | янги иш ўринларини яратиш режаси бажарилиши; | Кичик тадбиркорлик субъектларига ташкил этилган давридан қатъи назар компенсация тақдим этиладиган |

| | | | | |
|-----|---|---|---|--|
| | | | йиллик реализация қилинган маҳсулот (хизмат) бўйича тушумнинг камидаги 15 фоизга ошиши. Ўрнатилган базавий меъёрлар бажарилмаган тақдирда ўтган давр учун компенсация тўлови кейинги йилга ўтказилади. | йўналишлар Компания Кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Компенсация худуд тоифасидан келиб чиқиб тақдим этилади. |
| 16. | 10 миллиард сўмгача ажратиладиган кредитлар (лизинглар) бўйича фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктидан юқори қисми бўйича фоиз харажатларини қоплаш. | Фарғона вилояти Сўх туманида рўйхатга олинган ва фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектлари. | | Компенсация Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган ставкада миллий валютадаги кредитларга 2025 йил 1 январга қадар тақдим этилади. |

Изоҳ: Компания томонидан молиявий ёрдам Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатдан ўтган ва фаолият юритаётган, тугатилиш босқичида бўлмаган, тўловга қобилиятсизлик тўғрисида иш қўзғатилмаган ва "ёмон" кредит тарихига эга бўлмаган ҳамда мурожаат санасида кредит (лизинг, банк кафолати, аккредитив) ва солиқлардан муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлмаган тадбиркорлик субъектларига тақдим этилади.

II. "Тадбиркорликни ривожлантириш компанияси" акциядорлик жамияти томонидан тақдим этилмайдиган молиявий ёрдамлар рўйхати

I. Компенсация ёрдами бўйича:

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш;
илгари олинган кредит (лизинг)ларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;
нобанк кредит ташкилотлари, лизинг ва суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этиш;
савдо, умумий овқатланиш ҳамда автомобилларга ёнилғи қуийш шохобчалари фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш (бундан экспортолди молиялаштириш, "яшил" технологияларни сотиб олиш ва ўрнатиш мустасно);
айланма маблағларни шакллантириш (экспортолди молиялаштириш, туризм ва асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини яратиш бундан мустасно);

енгил ва илгари фойдаланишда бўлган юк автотранспорт воситалари сотиб олиш ва уларни таъмирлаш (чет элдан олиб келинадиган юк автотранспорт воситаларидан ташқари);

бино-иншоотларни сотиб олиш.

II. Ресурс ва кафиллик ёрдами бўйича:

алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва (ёки) улар савдосини ташкил этиш;

илгари олинган кредит (лизинг)ларни ёки бошқа ҳар қандай қарзни қайтариш;

суғурта компаниялари фаолиятини ташкил этиш;

ёрдам кўрсатилаётган лойиҳалар бўйича ишлаб чиқаришда иштирок этмайдиган енгил автотранспорт воситаларини харид қилиш.